

Ўзбекистон «Адолат» СДП адолатли фуқаролик жамияти қурилишида бундан кейин ҳам давлатнинг яратувчанлик роли кучайиши тарафдори. Айни пайтда жамиятда янада катта ўзгаришларга олиб келиши ҳамда фуқароларга кўмак кўрсатиши учун биз ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг оқилона ва самарали сарфланишини ёқлаб чиқамиз.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» сotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 51 (1011) • 2014-yil, 19-dekabr, juma



Ш.НАЗАРОВ Ҳаф / оқсон сурач

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ САЙЛОВГА ШАЙ

— Жиззах шаҳридаги 5-сайлов участкасида сайловда илк бор овоз берувчилар рўйхати киритилдим, — дейди ёш сайловчи Дилдора Кўшоқова. — Бу ерда сайлов тўғрисидаги қонунлар, депутатликка номзодларнинг дастурлари билан танишдим, сайлов куни

уларнинг муносибига овоз берман.

«Ҳамид Олимжон» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган мазкур сайлов участкасида сайловни миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро меъёрлар даражасида ўтказиш учун

барча шароитлар яратилди. Хоналар зарур техника воситалари ва қўлланмалар билан таъминланди. Махсус стендларда миллий сайлов тизимида оид қонунчилик, депутатликка номзодлар ҳақида маълумотлар, сайловчиларнинг рўйхати жойлаштирилган. Баъзи сабабларга

кўра сайлов куни сайлов участкасига келолмайдиган фуқароларнинг рўйхати тузилиб, сайлов куни уларга уй шароитида овоз бериш имконияти яратиб берилди.

Суратда: Жиззах шаҳридаги 5-сайлов участкасида.

СОҒЛОМ ВА МУСТАҲКАМ ОИЛАДА БАРКАМОЛ ФАРЗАНДЛАР ВОЯГА ЕТАДИ

➤ **Муносабат**

Бағрикенг ва инсонпарвар халқимизнинг асрлар бўйи яшаб келаётган азалий анъаналари кўп. Юртимизда миллий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Истиқлол йилларида эзгу бир анъана шаклланди ва ривожланди. Хусусан, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, куч ва ресурсларни маълум бир соҳа ривожига жалб этиш, шу орқали халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, унинг манфаатига хизмат қиладиган муҳитни барпо этиш ўзига хос анъанага айланди.

3 ➤

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ АКС ЭТГАН ДАСТУР

➤ **Номзод билан учрашув**

Шу йилнинг 21 декабрь санасида мамлакатимизда бўлиб ўтадиган улкан сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга ҳам саноқли кунлар қолди.

2 ➤

«БИРИНЧИ МАРОТАБА САЙЛОВДА ҚАТНАШАМАН» АКЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Юртимизда сайловлар демократия кўзгуси ва фуқаролар ҳуқуқий-сиёсий маданиятининг ёрқин кўриниши сифатида намоён бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида «Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунидан 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар», деб белгиланган.

Айни кунларда Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан жойларда ўтказилаётган «Биринчи марта сайловда қатнашаман» акцияси кўтаринки руҳда давом этмоқда.

2 ➤

Энг фаол маънавият тарғиботчиси



➤ **Партиядошимиз муваффақияти**

«Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўриктанловининг республика босқичида Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши фаолларидан бири, Андижон тумани Хартум қишлоғидаги Ю.Мамажонов номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Равшаной Раҳимова маҳалла тизими йўналишидада ғолиб, деб топилди.

4 ➤

ДЕМОКРАТИЯ, ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

➤ **Сўз — халқаро кузатувчиларга**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларни

кузатиш учун юртимизга келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари мамлакатимиз сайлов қонунчилиги, сайлов участкаларидаги шароитлар билан танишмоқда. ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

4 ➤

АДОЛАТ — ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

➤ **Партиялараро кураш**

Яна бир неча кундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Юртимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар қатори «Адолат» СДП ҳам бу кунни ўзгача ҳаяжон ва, айни пайтда, шубҳасиз, катта ишонч билан

кутмоқда. Зеро, бу сайловга партиямиздан унинг дастурий мақсад ва ғояларини қўллаб-қувватлайдиган, ўз фаолияти билан Ватанимиз манфаатларига садоқатини исботлаган энг муносиб аъзолар ва хайрихоҳлар номзод сифатида кўрсатилди!

Эътироф этиш лозимки, бу йилги сайлов янгича ижти-

мой-сиёсий шароитларда бўлиб ўтмоқда. Бу эса ўз навбатида сиёсий партияларнинг сайловда фаол иштирок этиш ва янада кўпроқ депутатлик ўринларини эгаллаш борасидаги имкониятларини кенгайтириши баробарида, сайлов кампаниясини ўзаро соғлом рақобат муҳитида ўтказиш имконини бермоқда.

2 ➤

«БИРИНЧИ МАРОТАБА САЙЛОВДА ҚАТНАШАМАН» АКЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Яқинда Бухоро тиббиёт коллежида «Ёшлар ва сайлов» мавзусида давлат сиёсати, сайлов ҳақида ёшларга кенг тушуниш берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга 21 декабрь кунини бўлиб ўтказилган сайлов ҳақида ёшларга кенг тушуниш берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга 21 декабрь кунини бўлиб ўтказилган сайлов ҳақида ёшларга кенг тушуниш берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга 21 декабрь кунини бўлиб ўтказилган сайлов ҳақида ёшларга кенг тушуниш берилди.

Суратларда: коллеж ўқувчиси Моҳидил Каримова (1-бет); коллеж ўқувчиси Мунира Камолова. Ўқувчилар билан суҳбат қилган Т.ИСТАТОВ (Ўза) олган суратлар

Давоми. Бош 1-бетда

Тўртқил туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактаби мажлислар залида тумanning сайловда илк бор иштирок этаётган ёшлари учун Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ва Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаоллари томонидан навбатдаги учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур анжуманда таъкидланганидек, ушбу акциянинг ўзига хослиги, уни ташкиллаштиришдан қўзланган мақсадлар ёшларнинг жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссини, сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, партия гоёларини тарғиб этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Ибрагимова ёшларнинг мамлакатимиз Конституциясида мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари, сайлов қончилиги ҳақида сўз юритди. Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Р.Отарбаев партияимиз ёшларга катта эътибор қаратаётгани, бу борада амалга ошириладиган ишлар хусусида батафсил тўхталиб, ёш маслаҳатларимиз сони тобора ортаётгани, билим чўққиларини эгаллаётган ўқувчи ва талабаларнинг дил орзулари, манфаатларига партия гоёларининг уйғунлигини улар чуқур англаётганини таъкидлади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур тадбирда ўқувчилар ўртасида сайлов қончилиги мавзусида викторина ўтказилиб, викторина саволларига тўри жавоб берган фаол ёшларга эсдалик совғалари берилди.

Қалби ғурур ва Ватан меҳрига тўла бу шижоатли ёшларнинг мустақил юртнинг эркин фуқароси сифатида сайловда иштирок этиши уларнинг ҳаётидаги энг қувончли дамлар бўлади ва эл-юрт келажига бўлган дахлдорлик туйғусини янада мустақамлайдди.

Шарипа ТОҒЕШОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

Хива туманидаги тиббиёт коллежида «Биринчи маротаба сайловда қатнашман» акцияси доирасида учрашув ўтказилди. Унда партиянинг Хоразм вилоят ва Хива туман кенгашлари фаоллари, депутатликка номзодлар, коллеж ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирок этишди.

Тадбирда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, жамият ҳаётига дахлдорлик туйғусини оширишнинг аҳамияти, партияимизнинг ёшлар сиёсати, гоё ва мақсадлари, ўз олдида кўйган вазифалари ҳақида атрафлича сўз юритилди.

— Бош Қомусимизда белгиланган сайлаш ҳуқуқимдан илк бор фойдаланиб, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига кўрсатилган номзодлардан ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бераман, — деди иштирокчилардан бири М.Юсупова. — Аввало, биз ёшлар сайлов ҳар биримиз учун масъулиятли жараён эканини ҳис этган ҳолда энг муносиб номзодга овоз беришимиз зарур. Айни шу мақсадда депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари ва улар аъзо бўлган партияларнинг дастур ва гоёлари, мақсад ва вазифалари билан яқиндан танишаёмиз. Сайловда овоз бериш орқали ислоҳот ва ўзгаришларга ўз муносабатимизни билдириш билан бирга, ёшларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишида танлаган номзодимиз фаол қатнашини англаб турибмиз.

Тадбирда ёш сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Шунингдек, сайлов қончилиги мавзусида викторина саволларига фаоллик билан жавоб берган ёшларга эсдалик совғалари топширилди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти кенгаши «Аёллар қаноти» етакчиси

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ АКС ЭТГАН ДАСТУР

Давоми. Бош 1-бетда

Истиклол йилларида юртимизда халқаро демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Ва бу бугун дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда. Хар бир давлатнинг демократик тамойилларга қай даражада амал қилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг нечоғли қафолабланганлиги сайловлар жараёнида янада ёрқинроқ намоён бўлиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам бўлажак сайловни кузатиб бориш мақсадида кўплаб халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлардан кузатувчилар ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари мамлакатимизда ўз фаоллигини олиб бормоқда.

Айни жараёнда тенглик ва ошкоралик таъминланган ҳолда тўртта сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлар билан жойларда сайловолди учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Айтиш керакки, Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам сайловда «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — хар бир инсон учун» деган гоё асосидаги Сайловолди дастури билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларда кучли депутатлик корпусини шакллантириш мақсадида кураш олиб бораёпти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 76-Узун сайлов

Мақсуд Тўраев

Шунингдек, Хива туманидаги «Саёт», «Галдимийён», «Чинобод» қишлоқ фуқаролар йиғинларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 110-Хива сайлов округидан кўрсатилган номзод Гулбахор Аллакова сайловчилар билан учрашди. Очиқ ва самимий мулоқот тарзида ўтган ушбу учрашувларда партиядошимиз Г.Аллакова сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан батафсил таништириб, унда илгари сурилган тақлифлар ва вазифаларнинг муҳим жиҳатлари ҳақида сўзлаб берди.

Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони бўлиб қолаверади

Давоми. Бош 1-бетда

Таъкидлаш лозимки, партияимиз сайлов кампаниясига кирар экан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 132 нафар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 5924 нафар депутатликка номзодлар кўрсатди. Номзодларимизнинг 34 фоизини хотин-қизлар, 11 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этаётганлиги ҳам эътиборга молик, деб ўйлайман.

Партияимизнинг республика даражасида партия Сиёсий Кенгаши Марказий сайлов штаби, 14 та худудий сайлов штаби ва 193 та туман, шаҳар сайлов штаблари сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишимизда таянч тузилмалар вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаоллари ва депутатликка номзодлар ҳам яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда сайловолди ташвиқотини қонун билан белгилаб берилган шакл ва услубларда олиб боришмоқда.

Жумладан, сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун айни вақтда оммавий ахборот воситаларида депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар вакиллари яратиб берилган тенг шарт-шароит ва имкониятлардан ўз вақтида самарали фойдаланиб келмоқдамиз.

Шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, бугунги сайловчи сиёсий партиялардан жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор, жойлардаги долзарб масалаларга асосли ечим, аниқ тақлифларни кутмоқда. Бугун сайловчиларни қуруқ ваъдалар, баландрарвоз гаплар билан чағғитиб бўлмайди. Шунга қарамай, сиёсий рақобатчиликнинг дастурий гоёларида акс этган айрим гоё ва тақлифлар реал ҳаётдан узоқлиги, умумий ёндашувлардан, ечимсиз тақлифларга асосланиши билан кишини таажубга солади.

Хусусан, айрим партиялар бозор иқтисодиётида хусусий мулкнинг ус-

туворлиги тамойилига маҳлиё бўлиб қолишмоқда. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либериал демократик партияси «Мулк — бу эркинликнинг энг муҳим кафолати, инсоннинг бошқа барча ҳуқуқларининг манбаи, фуқаролар ҳимояланганлигининг асоси», дея эътироф этади ўз Сайловолди дастурида. Партия бу билан Асосий Қонунимизда мустақамлаб белгиланган барча фуқаролар ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги ҳамда қонун олдида тенглик каби демократиянинг умуминсоний принципларига зид фикр юритаётганликларини ажабланарли.

Шунингдек, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг иқтисодий сиёсат бўйича мафқурасида ҳам хаддан ташқари бир томонламалики кўрамиз. Чунинчи, партиянинг Сайловолди дастурида маҳаллий ишлаб чиқарувчинини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эксклюзив имтиёзлар ва преференциялар тақдим қилиш белгиланган. Аслида эса партиянинг мазкур позицияси жаҳон иқтисодий интеграциясига Ўзбекистоннинг фаол равишда кириб келишига тўсқинлик қилади. Зеро, глобаллашув ва интеграция шароитида махсус рақобат бардошлигини ошириш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар «парник муҳитида» эмас, ўзaro тенг рақобат муносабатлари шароитида ишлаши керак, бу ўз навбатида уларнинг фаолиятида самарадорликни оширишга рағбатлантирувчи омил бўлади.

Биз «адолат»чилар бундай юзак муносабат ижтимоий-иқтисодий бошбошқоқлик олиб келади, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли ҳам биз бозор иқтисодиёти ва айни пайтда асосан ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган салмоқли давлат сектори мавжуд бўлган иқтисодиёт тарафдоримиз. Биз учун ижтимоий соҳа нафақат таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ўз ичига

олади, балки транспорт, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари каби ижтимоий муҳим соҳаларни ҳам қамраб олиши билан аҳамиятли. Шу билан бир қаторда биз давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш учун курашамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўз Сайловолди дастурида «меҳнатга лаёқатли аҳоли кўп бўлган минтақаларда аҳолининг барқарор равишда етарли маош олиб туришини таъминлаш мақсадида саноат корхоналарини ривожлантириш ва янги иш ўринлари ташкил қилишни қўллаб-қувватлашга иқтисослашган махсус минтақавий фондларни ташкил этишни рағбатлантиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш» гоёсини илгари сурмоқда. Аммо бу тақлиф ҳам қуруқ гапдан бошқа нарса эмаслиги яққол кўриниб турибди. Зеро, мазкур фонд қай тарзда ва қандай принциплар асосида фаолият олиб бориши номатумул. Фонднинг маблаглари қай тарзда шакллантилади? Улар кредит шаклида бўлади ёки фоизсиз ёрдам?..

Яна бир тушунарси ҳолат. ХДП ўз дастурида «партия ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш доирасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг интер-фаол давлат хизматлари ягона портали ва бошқа тегишли тармоқ ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминловчи, аҳолига қўнлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви вилоят, туман ва шаҳар идораларининг фуқаролар манфаатига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари матни билан танишиш имконини берадиган шохобчалар тармоғининг ташкил этилишига эришишга ҳаракат қилишни» маълум қилган. Ҳолбуки, бу гоё www.lex.uz сингари қўллаб ахборот ресурслари орқали аллақачон амалиётга жорий этилиб бўлган-ку! ХДП қайси даврда яшайпти ўзи?..

Либериаллар партияси эса ижтимоий соҳага дахлдор масалаларга

ҳам тадбиркорлик нуқтаи назардан ёндашмоқда. Жумладан, партия таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасини ҳам хусусийлаштириш, яъни бу соҳаларга ҳам «хусусий капитални жалб қилиш» гоёсини илгари суради. Биз эса айнан ушбу соҳаларда давлатнинг роли устувор бўлиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ демократия. Шунга қарамадан, айрим партиялар суд-ҳуқуқ йўналиши бўйича ўз сайловолди дастурларида ортинча популизмга, масъулиятсизликка берилмоқдалар. Жумладан, «Миллий тикланиш» демократик партияси «жиноий қончиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни декриминализациялаш сиёсатини давом эттириш» гоёсини илгари суради. Ваҳоланки, жиноятчиликка муносабатда қарашларни нафақат меҳр-шафқат ва кечиримликдан, балки хар бир қилмишнинг хавфи даражасини ҳисоблаган ҳолда, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш зарурати инобатга олиб, шакллантириш зарурлиги ҳаммага қундай равшан-ку.

Бу ҳали ҳолваси. ХДПчилар ўз дастурларида «суд ҳужжатлари ва хабарномаларини етказишнинг замонавий услубларини жорий этиш орқали процессуал механизмларни такомиллаштириш лозим», деб ҳисоблашларини маълум қилишган! Жамият суд-ҳуқуқ соҳасининг институционал ривожланишидан, судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашдан манфаатдор бўлган бир шароитда бундай ҳужажларини айтилган тақлифлардан сайловчи га нима наф?

Либериаллар эса «...ҳўжалик низоларини ҳал қилишнинг муқобил, суддан ташқари шакллари ривожлантириш, жумладан, яраштирув институтини янада такомиллаштириш, судгача талабнома юбориш орқали низони ҳал қилиш мажбурий бўлган ишлар тоифасини кенгайтиришни» тақлиф этишмоқда.

Ваҳоланки, бундай тақлиф адолатли суднинг ҳаммабпллиги тўлиқ амалга ошишига имконият яратмайди. Ахир ақсарият мунозаралар барибир ҳўжалик судлари томонидан қўриб чиқиладиган предметга айланади-ку.

Бизнинг партияимиз эса жамиятнинг шаклланиши ва демократлашувининг муҳим таркибий қисми бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини изчиллик билан таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимияти ҳамда адвокатура фаолияти мустақиллигини мустақамлашга йўналтирилган қонунларнинг ташаббускорни бўлмоқда ва уларни изчил қўллаб-қувватламоқда.

Айтиш керакки, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловолди дастури, бизнинг гоёларимиз жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар манфаатларига мос келадиган инсонпарварлик, адолатчилик ва ижтимоий тенглик тамойилларига асосланиши билан жозибадордир. Биз инсон манфаатларини олий қадрият сифатида баҳолаймиз ва уни рўёбга чиқариш учун жамиятда қонун устуворлиги тамойилини илгари сураемиз.

«Адолат» социал-демократик партияси бугунги куннинг долзарб масаласини нафақат муҳокама қилади, балки жамиятдаги мавжуд муаммоларга нисбатан ўзининг аниқ позициясини белгилайди, муаммони бартараф этишнинг шакл ва услубларини, ечимларини тақлиф этади.

Партияимиз давлат бундан кейин ҳам инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини ишончли кафолати бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди. Бунда биз фуқароларнинг меҳнат ва бандлик, даромадларнинг адолатли тақсимланиши, ижтимоий хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, қулай турмуш шарт-шароитларини яратиш, демократик бошқаруви мустақамлашга доир ҳуқуқларини амалга ошириш механизmlарини такомиллаштиришни

бош вазифа сифатида кўрамиз. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши тарафдори сифатида биз ўрта ва узоқ муддатли истиклолга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаши тарафдоримиз.

Партия кучли ижтимоий сиёсатини қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади. Биз ўзимизни аънавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат гоёсини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб биламиз.

Бизнинг номзодларимиз нафақат сиёсий рақобатга, балки тегишли вакиллик органларига сайлангандан кейин электратимиз манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлигига, маҳаллий Кенгашларда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросида фаол иштирок этишга хар жиҳатдан тайёр, деб айта оламиз.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз ваъдасини бажара оладиган сиёсий куч. Ҳазрат Навоийнинг пурҳикмат байтларидан бирини эслайлик: *Нафийш азар халққа бешак дурур, Билки бу нафъ ўзунга кўпрак дурур.* Шубҳасиз, «Адолат» СДП доимо халққа нафъ тегадиган сиёсий кучдир. Зеро, партиянинг хайрли сый-харакатларидан бутун жамиятимиз наф қўради.

«Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — хар бир инсон учун» гоёсига амал қилиб фаолият кўрсатётган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг муносиб номзодлари учун овоз беринг, азиз сайловчилар!

Ислом ҲАМРОЕВ

Соғлом ва мустаҳкам оилада баркамол фарзандлар вояга етади

Давоми. Бошиқ 1-бетдан

Бинобарин, "Аёллар йили", "Мустаҳкам оила йили", "Обод турмуш йили", "Соғлом бола йили", кириб келаётган 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб аталишига ҳам соҳиб бўлган бўлса, бу йилларнинг ҳар бири оилаларнинг мустаҳкамлашига хизмат қилади. Зеро, айнан оила — жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, унинг мустаҳкамлиги, аҳиллиги ҳамда тинч ва фаровонлиги юртининг барқарорлигини белгилайди.

Оиланинг мустаҳкам бўлишидаги асосий омиллардан бири, шубҳасиз, бу турмуш қурмоқчи бўлаётган ёшларнинг никоҳга қанчалик, яъни ҳам моддий-маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан тайёр бўлишлари билан боғлиқдир.

кўнгилсизликлар, туғилган болаларнинг ирсий ва туғма касалликларга чалиниш ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Президентимиз таъкидлаганидек: "Соғлом ва мустаҳкам оилаларни барпо этиш соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, шу асосда ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказадиган поликлиникалар замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан

матлари аста-секин юзага чиқади, эр-хотиндан бири фарзанд кўришга лаёқатсизлиги ёки туғилмаган фарзанд соғлиги билан боғлиқ ҳолатлар учраб туради.

— Инсон саломатлигининг нафақат бугунги кунга, балки келажак авлоднинг баркамоллигига ҳам таъсир кўрсатади. Шу боис мамлакатимизда фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади, — дейди Қашқадарё вилояти Адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, "Адолат" СДП аъзоси Сафарбой Тоғаев. — Бу борадаги ислохотларнинг, хусусан, никоҳдан ўтишда тиббий кўриқнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунириш, тарғиб қилишда вилоятимизда ФХДЭ органлари

ўтказилганда эди, қанчадан-қанча дугоналарим нонорон фарзанднинг дардида даво изламаган бўлармиди?!

— Яқиндагина Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаган эканман, яна бир бор шу муқаддас юртининг ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик остидаги бахтиёр фарзанди эканлигимдан фархландим, — дейди Сергели тиббиёт коллежи ўқувчиси Дурдона Амирхамзаева. — Айниқса, ёшларнинг соғлом оила қуриши, ўз соғлиқларини малакали шифокорлар ёрдамида доимий назорат қилишлари учун яратилган шароитларга ҳар бириримиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу боис юртимизда оила-



Х.Мамадалиев (ЎА) олган сурат

Яна бир муҳим мезон борки, уни никоҳ қуриш оstonасида турган ҳар бир ёш алоҳида эътиборга олиши лозим. Яъни, келин-куёвларнинг келажакда бахтли турмуш кечиришлари учун уларнинг соғлиги, оила қурмасиданоқ бир-бирларининг руҳий ҳамда жисмоний саломатлиги ҳақида хабардор бўлишлари муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида никоҳдан ўтишда мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби жорий этилди. Хусусан, никоҳланувчи ёшлар тиббий кўриқнинг бешта йўналиши, яъни руҳий, наркологик, захм, сил, ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича текширишлардан ўтиши шартлиги белгиланди.

Бу эса рўй бериши мумкин бўлган турли

жиҳозланди. Энг муҳими, янги оила қураётган 2 мингдан ортиқ ёшларда турли касалликлар аниқланиб, улар амбулатор ва стационар шароитда даволанди.

Айтиш керакки, бу борада тарғибот ишларини янада кучайтириш, оилавий ҳаёт оstonасида турган йигит-қизлар билан мавзу юзасидан ота-оналар, мутахассислар мунтазам равишда суҳбатлар, жонли мулоқотлар ўтказишлари аниқ мундоқдир. Негаки, айрим шахсларнинг ўз саломатлиги, оиласи, бир сўз билан айтганда, келажакда беэътиборлиги янги оила пойдеворига путур етказиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Тахилларга кўра, тиббий кўриқдан ўтмай, никоҳни расмийлаштирмасдан, фақатгина шаръий никоҳ билан кифояланиб қурилган оилалар бузилиб кетишининг сабаби кўпинча саломатлик ва ўзаро ишончнинг йўқлигига бориб тақалади. Баъзи ҳолларда тўйдан кейин келин ёки куёвда касаллик ало-

мутахассисларнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биз бу борадаги фаолиятимизни янада самарали олиб бориш мақсадида бир қатор давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик асосида аҳоли ўртасида тарғибот ишларини янада кучайтиришга интилаяпмиз.

— Бугунги ёшларга ҳал-вазим келди, — дейди жазолиқ суҳбатдошимиз, 84 яшар онахон Турсуной Акбарова. — Уларга бахтли ва соғ-саломат яшашлари учун давлатимиз ҳамма шарт-шароитларни яратиб берган. Биз ёшларимизда кимдир тиббий кўриқдан ўтказилиши уёқда турсин, жонимиз оғриб турганда ҳам "аёллар меҳнат, фарзанд тарбияси учун яралган, бу оғриқлар табиий ҳол" деб ҳисоблаб, қанчадан-қанча касалликларни оёқда ўтказиб юрганмиш, ўзимизга етарлиқ эътибор қаратмаганмиш. Энди-энди тушуниб етаяпман, агар ўша вақтларда ҳам ҳозиргидек тиббий кўриқлар

ларга қаратилган эътибор инсонлар тақдирига қанчалик ижобий таъсир кўрсатаётганини чин дилдан ҳис қиламан. Бундай бекиёс ғамхўрликларга жавобан мен ҳам замонавий билим ва касб-ҳунарларни кунт билан эгаллаб, Ватанимиз тараққиёти учун иқтидор ва салоҳиятимни ишга соламан ва етук мутахассис, садоқатли фарзанд сифатида яқинларимга, маҳаллам, юртимга нафим тегиши учун бор куч-ғайратимни сафарбар қиламан.

Ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлод вояга етиши, соғлом ва мустаҳкам оила барпо бўлиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиши билан бирга, аввало, ҳар бир юртодошимиз онгли равишда ўзи ва яқинларининг тақдирига, саломатлигига бефарқ бўлмаслиги муҳим аҳамият касб этади.

Соодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган туб ислохотлар алоҳида ўрин тутаяди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни либераллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар бу борадаги энг муҳим ислохотлардан биридир. Жиноят ишларини юритиш давомида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари юксак даражада таъминланганлиги процессуал ҳаракатлар ва қораларни қўллаш орқали белгиланган мақсадларга эришиш фуқаролик жамиятига хос бўлган хусусиятлар билан мос келади ҳамда бунга эришиш жуда зарур.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ судларнинг мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, судларни дифференциациялаш, яъни ихтисослаштиришга киришилди.



ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР МАҚСАДИМИЗ

Бугунга қадар суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига жиддий янгиликлар киритилди, озоликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий қилинди. Жиноят ишларини тергов қилиш, шахснинг ҳибсда ушлаб туриш, ишларни судларда кўриб чиқишнинг янги тартиби ва қатъий муддатлари белгиланди.

Судларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида нафақат уларнинг ваколатлари кенгайтирилди, балки судгача бўлган босқичларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини орқача чекланишига йўл қўйилмаслиги учун шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш ваколатлари ҳам судларга ўтказилди.

Умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг тан олинishi ва уларнинг миллий қонунчиликка имплементация этилишини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Албатта, фақатгина судлар шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга ва улардан маҳрум этишга ваколатли бўлиши лозим. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида ҳам суднинг ҳолислиги, адолатлилиги, ҳар бир фуқаронинг ундан фойдаланишини таъминлаш, суд ҳимояси соҳасини янада кенгайтириш — суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида белгиланган. Шу боис "Адолат" социал-демократик партияси жиноят ишлари бўйича шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш масаласини ҳал этиш устидан суд назоратининг жорий этилиши юзасидан жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш жараёнларини давом эттиришни тақдир қилмоқда. Бу тақдирларнинг жорий этилиши натижасида жиноят ишларини юритиш давомида қонунларга тўла амал қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини орқача ва асосиз

чекланишига йўл қўймаслик бўйича суд назорати янада кенгайди.

Юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтларнинг ролини халқаро экспертлар ҳам юқори баҳолаётганлиги беҳиз эмас.

— Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда суд тизимини мустақиллигини таъминлаш борасида кенг қўламли ислохотлар самараларининг гувоҳи бўлмоқдаман, — дейди АКШ округ судининг Миннесота штати округи бўйича федерал судьяси Жон Танхайм. — Энг муҳими, бу жараёнда судьялар мустақиллиги ва бетарафлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги Индексини эълон қилган "The World Justice Project" мустақил халқаро ташкилотининг йиллик маърузасида бу борадаги вазиятни дунёнинг 99 мамлакатда баҳолашнинг "Тартиб ва ҳавфсизлик" бош мезони йўналиши бўйича кўриб чиққан халқаро экспертларнинг ҳулосаси берилган. Унга кўра, Ўзбекистон жиноятчиликка қарши кураш, сиёсий зўравонликнинг олдини олиш, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги, мустақил суднинг мавжудлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали фаолият кўрсатиши каби йўналишларда қонун устуворлигининг асосий кўрсаткичлари ва бошқа омиллари бўйича беш етакчи мамлакат қаторидан жой олган.

Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислохот этишга кўмаклашиш" лойиҳаси раҳбари Том Паттерсон Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими борасида сўз юритар экан, "Ўзбекистонда бир неча йилдан буён ишлайман ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар билан яхши танишман. Ўзбекистон бу жараёнда жиддий эътибор бераётгани ва бу борада нафақат қонун ҳужжатларини қабул қилиш, балки уларнинг ҳаётда ижросини таъминлашга асосланган изчил ёндашувдан фойдаланаётганини таъкидлашни истардим. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу жараёнда адлия, ички ишлар, прокуратура органлари ва Олий суд фаол иштирок этмоқда", — дея эътироф этади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда судларнинг мустақиллиги, демократлашуви, улар фаолиятининг ошқоралигига эришилмоқда. Шу билан бирга, ҳали бу борада яна амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бор, албатта. Шунинг назарда тутиб, "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор тақдирлар илгари сурилган:

— суд тизимини комплекс риивождантириш (институционал, ташкилий-кадр ва процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш, судларнинг ижтимоий мақомини кўтариш), судлар томонидан қабул қилина-

диган қарорларнинг барқарорлигини таъминлаш;

— судлар фаолиятининг очик ва ошқоралиги, суд жараёнида томонларнинг тенглиги ва ҳолис тортишув тамойилларини кучайтириш, судлар масъулиятини ошириш, улар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, суд фаолиятига доир маълумотларга эга бўлишнинг аниқ механизмни белгилаш;

— суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш;

— умумюрисдикция судларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунларни янада такомиллаштириш, судлар фаолиятининг мустақиллиги, судьяликка номзод кадрларни тайёрлаш тизимини ислохот қилиш, ушбу жараёнларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьяларини кенг жалб қилиш ва уларнинг масъулиятини ошириш, суд-ҳуқуқ соҳаси, суд органлари фаолиятини ташкил этиш, суд органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, судьяликка ва суд тизими учун юқори лавазимларга номзодларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш механизмига оид мавзуларда илмий изланишлар олиб борилишини таъминлаш долзарб вазифалар сирасига кирилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, олдимизда турган куйидаги вазифаларни алоҳида қайд этиш ўринлидир:

— суд тизими ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида қонунчиликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мустаҳкам ҳимояси сифатидаги мақомга эга бўлишига эришиш;

— суд ишларини юритишда тўла маънода мустақил бўлишини, бунинг учун судлар фаолиятининг янада демократик, ошқора тарзда амалга оширилишини таъминлаш;

— судлар фаолиятининг мустақиллигини таъминлайдиган ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонунчиликни такомиллаштириш;

— судлар ва судьяларнинг ижтимоий ҳимоя механизминини янада такомиллаштириш;

— суд қарорларининг қонунчилиги, адолатлиги ва асослилигини текшириш механизминини янада такомиллаштириш.

Буларнинг барчаси суд-ҳуқуқ тизимининг бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва адолатни ўрнатish каби муҳим вазифаларни янада тўлақонли ҳал этишига хизмат қилади.

Аҳмад ИСМАИЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори
ўринбосари,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигига 30-Дўстлик сайлов
округидан кўрсатилган номзод

Эзгу кадриятлар ифодаси

Мамлакатимиз ҳаёти, келгуси тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов кампаниясининг ҳал қилувчи палласига жуда оз қолди. Саноқли кунлардан кейин сайловчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун овоз беради.

шундаки, сайловчилар биринчи навбатда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини катта қизиқиш билан тинглангликларини айтиши. Айни пайтда давлатимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаётганликларини, тинч-осойишта юртимиз барқарор тараққиёт этаётгани қувонарли эканини баён қилдилар.

Сўбатимиз давомида МФЙ раиси жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар Бош Қомиссимиздаги устувор қоидаларга асосланганлиги муваффақиятларга замин бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Дарвоқе, суҳбатдошимиз ҳақида икки оғиз сўз. Қамолхон Мухиддинов нафақат ўз маҳалласида, балки шаҳар ва вилоятда ҳам кўпчилик танийдиган ва ҳурмат қиладиган отахонлардан бири. У озоқ йиллар мобайнида қатор маданият муассасаларига раҳбарлик қилган,

аҳолини маънавият ва маърифатдан баҳраманд қилишга улуш қўшган зиёли инсон. Ҳозир ёши етмишга яқинлашиб қолганига қарамай, тетик ва бардам, эл ишига доим жонқуяр ва фидойи. Шу боис маҳалладошлари уни ўзларига маҳалла раиси этиб сайлашган.

— Бизни қувонтирган яна бир воқеа — янги — 2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили", деб эълон қилинганлигидир, — дейди К.Мухиддинов. — Бу энг аввало, халқимизнинг миллий кадриятларига, турмуш тарзига жуда мос тушади. Маҳалламиз фуқаролари орасида олтимш ёшдан ошганлар қарийб минг кишини ташкил этади. Бу миқдор тобора ортаётгани эса юртимизда инсонларнинг ўртача умр кўриш даражаси ўсаётганлигидан далолат беради. Отахон ва онахонларимиз "Кексаларни эъзозлаш йили"да ўзларига нисбатан ғамхўрлик янада кучайишидан ниҳоятда миннатдор бўлмоқдалар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Adolat» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик принципларнинг қарор топиши жараёнида ёшларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатлари тизими изчиллик билан шакллантирилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор замирида ҳар томонлама баркамол — жисмон соғлом, маънан етук, нафақат кўплаб билимларни, ҳозирги даврда талаб катта бўлган касб-ҳунарларни эгаллаган, ани пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек эзгу мақсадлар мужассамдир.



ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ

уларда жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссини оширади

Бу борадаги қонун ҳужжатларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши, ёшлар билан ишлашда давлат муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик ҳамжihatлиқда фаол иштирок этаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу механизмлар, ўз навбатида, мустақиллик йилларида "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" Давлат дастурларининг ижросини тўлақонли таъминлашга хизмат қилди. Ушбу дастурлар доирасида соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш, йигит-қизларининг янги томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Соғлом бола йилида ҳаётга татбиқ этилган кенг қамровли хайрли ишлар ҳам мазкур ислохотлар изчиллигидан далолат беради.

Президентимиз томонидан шу йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор мустақиллик йилларида ёшлар, хусусан, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши борасида олиб борилган ислохотларнинг мантикий давоми сифатида бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ҳужжат йигит-қизларнинг қобилиятини тўла намоен қилиши, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириши, турли маънавий таҳдидларга қарши иммунитетини мустақамлашда муҳим омил бўлаётди.

Юртимизда таълим тизимини тубдан ислох қилиш ҳамда ёш авлодга замонавий билим бериш ҳам устувор масалалар сирасига кириди. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белги-ланган вазифалар доирасида бир-бирдан чиroyли, замонавий ўқув муассасалари бунёд этилиб, жаҳон андозалари асосида жиҳозланди, илгор ахборот технологиялари билан таъминланди. Энг муҳими, ўқувчи-ёшларнинг бугунги талабларга мос билим олишлари учун барча имкониятлар яратилди. Айниқса, таълим сифати тубдан яхшиланди. Бу саъй-ҳаракатларнинг ижобий натижалари, хусусан, ўқувчи ва талабаларнинг республика ва халқаро миқёслардаги турли фан олимпиадаларида катта муваффақиятларга эришганида ҳам яққол акс этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тад-

бирлари тўғрисида"ги қарори ёшларимизнинг хорижий тилларни мукамал ўрганишига, уларнинг келажақда ҳеч қандай кам бўлмаган инсонлар бўлиб етишишига яна бир замин яратди.

Шу билан бирга, ани пайтда кўплаб мақсадли давлат дастурлари ҳам ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Бу борадаги ишларнинг юқори самарадорлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоат тузилмалари, шу жумладан, ўз сафларида қарийб 6 миллион йигит-қизни бирлаштирган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ўртасида тобора кенгайиб бораётган ижтимоий ҳамкорлиги натижасида таъминланмоқда.

Ёшларга оид кенг қўламли ишларни янада самаралироқ давом эттириш, ёшларни ушбу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнига кенг жалб этиш ўзини ижтимоий демократия тамойиллари, жамиятда қонун устуворлиги тарафдори эканини эътироф этаётган, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ўз ролини кучайтиришни мақсад қилган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳам асосий вазифалари қаторидан ўрин олган. Бу мақсадларга эришишда, партия, албатта, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий шериклини ривожлантиришга, партия мафқурасини қабул қилган сиёсий етук ёшлар авлодининг шаклланишига кўмаклашишга катта эътибор қаратмоқда. Зеро, мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлидадир. Дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, иштилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, баркамол авлоднинг тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш партияимизнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Партия ва унинг ҳудудий ташкилотлари томонидан ўтган йиллар мобайнида ёшларни Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат руҳида, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларни миллий қадрият ва аъноналарга ҳурмат руҳида камол топтириш ҳамда эртаимиз эгаларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида "Ахборот хуружлари ва уларнинг ёшлар маънавиятига таъсири", "Ахборот ва ёшлар", "Оммавий ахборот воситаларининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири", "Интернетнинг ёшлар тарбиясида тугган ўрни", "Ватанпарвар ёшлар — обод Ватан келажи", "Қулай ахборот муҳити шароитида ёшлар қарашиди ижтимоий-сиёсий жа-

раёнлар» каби давр талабига мос мавзуларда ёшлар форумлари, турли акция ҳамда тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тадбирлар юртимизда фарзандларимизнинг ақл-салоҳияти, қобилияти ва иқтидорини рўйбга чиқариш, уларнинг том маънода баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёшларимизнинг талаб-эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини ифодалаш билан аҳамиятлидир. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирлар орқали ёшлар ўз сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш имконига эга бўлди.

Шу билан бир қаторда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжудлигини қайд этиш зарур. Шундай экан, бугунги шиддатли глобаллашув жараёнида ёшларни турли ёт гоъялар, иллатларнинг зарарли таъсиридан асрашга қаратилган тарғибот ишларини юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам намунали ташкил этиш, уларни қизқиртирадиган, ўйлантараётган масалаларни ўрганиш ва бу борада амалий тақлифларни ўртага ташлаш, ахборот-тарғибот ишларини замонавий сиёсий технологиялар воситасида олиб бориш, таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларни самарали ишга солиш муҳим аҳамиятга эга. Бирор сабаб туфайли ёт гоъялар таъсирига тушиб қолган айрим ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш барчамизнинг, шу жумладан, партияимиз фаолларининг ҳам бирламчи вазифаси, маънавий бурчи ҳисобланади.

Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлоднинг тарбиялаш вояга етказиш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш бўйича саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтариш — олдимизда турган муҳим вазифалар сирасига кириди. Зеро, юртимизнинг буюк келажаги, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши, авваломбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Дилором АБДУГАФФОРОВА,
«Камолот» ЁИҲ Тошкент вилояти кенгаши маънавий-маърифий лойиҳалар бўлими мудири,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати
84-Тўйлепа сайлов округидан кўрсатилган номзод

ДЕМОКРАТИЯ, ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Давлатимизнинг 81-сайлов участкасида бўлди.

Чжан ЦЗИЛИ, Шанхай чет тиллари университети декани (Хитой):

— Тошкент шаҳридаги 81-сайлов участкасида бўлди. Сайловга юқори даражада тайёрларик кўрилган, сайловнинг очик ва адолатли ўтиши, фуқароларнинг эркин овоз бериши учун барча шароит яратилган. Сайловчилар сайлов тўғрисидаги қонунчиликдан, депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлардан яхши хабардор. Сайлов участкаларида уларнинг таржимаи ҳоли, дастурлари хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан танишиб чиқдим. Уларнинг ҳар бири сайловларда ютиб чиқиб, ижро ҳокимиятида ўз ўрнига эга бўлишга интилоқда. Бу Ўзбекистонда кўппартиявийлик изчил ривожланаётгани, мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ортиб бораётганидан далолат беради. Сайловолди ташвиқоти кенг олиб борилаётгани одамларга муносиб номзодни танлашга ёрдам беради. Бу сиёсий тадбир тенглик, ошқоралик ва демократия тамойиллари асосида ўтказилишига ишонаман.

Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти бошқаруви раиси, профессор (Германия):

— Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишман. Кейинги йиллардаги ўзгартиш ва қўшимчалар соҳага оид меъёрий ҳужжатларни демократик тамойиллар асосида янада такомиллаштириди. Бу қўллаётган сайловларнинг адолатли ўтишига, фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни кузатиб бораман. Мамлакатингизда иқтисодиёт, фан-таълим ва технологиялар соҳаси изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугун дунёда тинч яшашнинг ўзи катта бахт. Ўзбекистонда ҳўкм сураётган тинчлик ва осойишталик халқингизнинг энг катта ютуғидир. Бундай мамлакатда тараққиёт, демократия бўлади. Одамлар эртанги кунга ишонч билан қарайди. Аҳолининг сайлов жараёнига қизиқиши, сиёсий билимдонлиги ва фаоллиги шундан бўлса керак.

Ден ПЕТЕРСОН, Сизтл университети вакили, Сизтл-Тошкент биродарлашган шаҳарлар уюшмаси президенти (АҚШ):

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон барча жаҳонларда катта муваффақиятларга эришди. Хар келганимизда юртингизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганига, барча соҳаларда тараққиёт давом этаётганига гувоҳ бўламан. Мамлакатингиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Мамлакатингизнинг сайловга оид қонунлари менда катта таассурот қолдирди. Хотин-қизлар сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг ўттиз фоиздан кам эмаслиги юртингизда аёллар қадри баланд эканидан далолат беради. Парламент фаолиятида атроф-муҳит, муҳофазаси, маддалари билан шуғуллангани Экологик ҳаракатнинг мавқеи юқорилиги ҳам ўрнат олса арзиғулликдир.

Тошкент шаҳридаги бир неча сайлов участкаларида бўлиб, сайлов жараёнларига жуда пухта тайёрлар-

Энг фаол маънавият тарғиботчиси

Давлатимизнинг 81-сайлов участкасида бўлди.

— Хар бир оилга кириб бориб, фуқароларнинг маънавиятини юксалтиришга, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишга қақираётганимиз натижасида маҳаллаошаримизда ватанпарварлик ҳисси, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш тўғриси ортиб бормоқда. Бу борада олиб бораётган ишларимизнинг бундай юксак баҳоланиши зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди Р.Раҳимова.

Андижонлик "адолат"чи хотин-қизлар орасида бундай фаолларимиз кўпчиликини ташкил этади. Шу боис вилоятда партиянинг хайрихоҳлари ва аъзолари сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Ўз мухбиримиз

Ўзаро фикрлашиб олишди

➤ Сиёсий ўқув

Амалдаги қонуний тартибларга мувофиқ, сайловга тайёрларик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кунини овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар катнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти кенгаши сайловда кузатувчи ва ваколатли вакиллар учун «Сайлов участкаларида кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг вазифалари ҳамда мажбуриятлари» мавзусида семинар-тренинг ўтказди. Унда вилоятдаги партия-

ташкилотлари етакчи ва фаоллари, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари ва партиянинг ваколатли вакиллари иштирок этишди.

Вилоят партия кенгаши раиси Хамид Жумаев кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар сайлов жараёнида сайлов участкасида қонун бузилишига йўл қўйилган, деб ҳисоблаш учун асос бўлса, кузатувчилар қандай йўл тутиши ҳақида тўхталиб, бу борада белгиланган тартиблар тўғрисида батафсил тушунтиришлар берди.

Савол-жавоб ва мулоқотларда тадбир иштирокчилари ўзаро фикрлашиб олдилар.

Садоқат ШАМСИЕВА,

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби

ҲАМКОРЛИҚДА хайрли ишлар қилинди

➤ Сарҳисоб

Юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий шарт-шароит ва қўлайликларга эга бўлган тиббиёт муассасалари аҳоли соғлигини асроб-авойлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этишга хизмат қилмоқда.

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Президентимиз "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар учун барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи бу борадаги фаолиятимизнинг қўлами

ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат бериши ҳақида таъкидлади.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларида ҳам аҳолига тиббий ёрдам сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасида партия-

нинг Фарғона вилоят кенгаши томонидан кўплаб ибратли ишлар қилинмоқда. Шаҳар ва туманларда, чекка қишлоқларда, қишлоқ врачлик пунктларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида шифокорлар гуруҳи билан биргаликда ташкил этилган малакали тиббий кўриқда жами 6000 дан зиёд ёшлар, аёллар иштирок этди, хотин-қизларда аниқланган касалликлар юзасидан даволаш ишлари олиб борилди. Йил давомида 678 нафар бемор партия кўмагида шифохоналарда даволашилди, зарур дори-дармонлар билан таъминланди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан ке-

либ чиқиб, "Тиббий профилактика — репродуктив саломатлик — соғлом бола" мавзусида лойиҳа ишлаб чиқилди ва шу асосда турли тадбирлар амалга оширилди. Ушбу тадбирларда 3600 нафардан ортиқ ёшлар, хотин-қизлар иштирок этишди.

Шу билан бирга, тиббий маданият, ижтимоий-маънавий мавзуларда туманларда, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида 50 дан зиёд байрам тадбирлари, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ташкил этилди ва бундай хайрли саъй-ҳаракатлар аъноалга айланиб бормоқда.



«ФАРФОНА ЁҒ-МОЙ» АЖ жамоаси

юртимиз аҳлини яқинлашиб келаётган
Янги — 2015 йил
байрами билан қутлайди!

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч, юрт тинчлиги ва
эл фаровонлиги ўйлида
амалга ошираётган бунёдкорлик
ишларингизга ривож тилаймиз.

Элимиз дастурхони
доим тўкин-сочин,
ризқ-рўзи зиёда,
толеимиз ҳамиша
порлоқ бўлаверсин!



Мулкчилик шаклидан қатъи назар,
барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

2015 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан
очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Бухоро шаҳридаги «Ситоран Мохи-Хоса» МЧЖ санаторийси ҳудудидagi «А» блок ётоқхона корпуси биносини мукамал таъмирлаш»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 4 947 920 449 сўм (КҚС билан), 4 123 267 041 сўм (КҚСсиз).

Қурилиш муддати — 12 ой.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бошқа манбалар орқали молиялаштирилмаган қурилиш объектларининг танлов савдоларида қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотларнинг қатнашиши тасвиявий характерга эга.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Капитал қурилиш бошқармаси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Мўйинок 4-тор кўчаси, 15-а-уй. Тел/факс: (8-371) 298-66-04, 298-66-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қидувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган тан-

лов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй. Тел/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй.



«БУХОРО ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» корхонаси жамоаси

22 декабрь — Энергетик ходимлар куни
муносабати билан соҳа ходимларини
касб байрами ҳамда барча юрtdошларимизни
кириб келаётган Янги йил айёми билан табриклайди!



Ватанимиз тараққиёти,
ҳалқимиз фаровонлиги ва
юртимиз тинчлиги ҳамиша
бардавом бўлсин.



ЁШЛАР ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилот етакчиларининг «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида навбатдаги 3-форуми бўлиб ўтди.

Форум доирасида 140 нафар етакчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда «Ғоя ва таклифлар» лойиҳасида фаол қатнашиб, «Заковат» интеллектуал ўйини каби турли танловларда куч синашдилар, ташкил этилган ўқув-семинарларда иштирок этдилар.

Талбир давомида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичи ҳам ўтказилди. Унда танловнинг вилоят босқичларида 1,2,3- ўринларни эгаллаган бошланғич ташкилот етакчилари майда, ўрта ва йирик ташки-

лот тизлигига ажратилган ҳолда ўзаро беллашдилар.

Танлов доирасида етакчилар комиссия аъзолари олдида ўзлари фаолият юритаётган ташкилотларда раҳбарият томонидан ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, уларнинг қўллаб-қувватланиши ҳамда амалга оширилган ишлари юзасидан тайёрлаб келган тақдимотларини намойиш этишди.

Танлов натижаларига кўра «Камолот» ЕИХнинг «Hamkorbank» АТБдаги бирлашган ташкилоти кенгаши раиси Шохжаҳон Ҳасанов ўрта типдаги бошланғич ташкилотлар орасида 1-ўринга лойиҳа топилди ва «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашининг эсдалик совғалари ҳамда диплом билан тақдирланди.



«Андижон ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси жамоаси

22 декабрь —

Энергетик ходимлар куни муносабати билан ўз ишининг устаси, фидокорона меҳнатлари билан юрт равнақига ҳисса қўшаётган соҳа ходимларини касб байрами билан чин дилдан табриклайди.

Шунингдек, мамлакатимиз аҳлини яқинлашиб келаётган Янги йил айёми билан самимий қутлайди! Хонадонингиздан файзу барака, кулги ва табассум аримасин. Юртимизнинг тинчлигига кўз тегмасин!



Байрам кайфияти йил давомида сизларга ҳамроҳ бўлсин, азиз юртошлар!

«БУХОРОПАХТАСАНОАТ» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

кўп миллатли, бағрикенг
Ўзбекистон халқини
кириб келаётган Янги — 2015 йил
билан чин дилдан муборакбод этади!

Янги йил
юртдошларимиз хонадонига
файзу барака,
тўкин-сочинлик олиб келсин.
Ҳар бир оиладан қувонч,
шодлик аримасин!

Xizmatlar litsenziyalangan

«ФАРҒОНАПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси
жамоаси

барча юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган
2015 — Кексаларни эъзозлаш йили
билан муборакбод этади!

Она диёримизнинг
мусаффо
осмони узра
хуррият қуёши
абადий нур
сочиб турсин!

Xizmatlar litsenziyalangan

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

➤ «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»

Мамлакатимиздаги саноат корхоналари ичиди алоҳида ўринга эга бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи юртимиз иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ушбу корхонада углеводород ва нефть хомашсини олиб келиш, уни қайта ишлаш, тайёр нефть маҳсулотларини сақлаш ва керакли манзилларга жўнатиш жараёнларида ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилиши олдини олиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, заводнинг асосий цехларидан бири ҳисобланган буг-хаво-газ таъминоти цехида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш цех ишчи-ҳодимлари учун энг устувор масала ҳисобланади. Чунки ушбу цех заводнинг бир меъёрида ишлаб туриши учун султирилган ва газ ҳолдаги азот, кислород каби ёнгин ва портлаш хавфи

бўлган кимёвий моддаларни ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, цехда заводнинг барқарор ишлаши учун ҳаво ва буг тайёрланиб, керакли участкаларга жўнатилади.

Мана шу технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлиги тадбирларининг эътибор билан баҳарилиши устувор аҳамиятга эга.

Айни пайтда цех ҳудудида 9 дона ёнгин ўчириш қалқони бирламчи ўт ўчириш анжомлари ҳамда 12 дона ички ёнгин ўчириш жўмақлари ёнгин ўчириш энгликлари ва дастаклари билан тўлиқ таъминланган. Бундан ташқари, чиққан ёнгинни зудлик билан бартараф этиш мақсадида цехимиз участкалари-

да 60 дона ўт ўчиригичлар хизматга шай турибди. Ишчи-хизматчилар ўртасида ёнгинга қарши тушунтириш ишлари доимий равишда олиб боришмоқда. «Олов бу душмандир!», «Ёнгин хавфсизлиги ойлигини намунали ўтказайлик», «Ишлаб чиқаришда ёнгин хавфсизлигини таъминлайлик», «Оловдан эҳтиёт бўлинг» каби мавзуда ишчи-ҳодимлари билан суҳбатлар ва завод радиозели орқали шу мавзуларда ҳодимларимизнинг чиқишлари ташкил этиляпти. «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» даврида цехимизнинг 58 нафар ишчи-ҳодимлари Бухоро вилоят ИИБ ЁХБ тарғибот-ташвиқот марказида бўлиб, халқ хўжалиги объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган экспонатлар билан танишдилар.

Олим АСРОРОВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 3-цех бошлиғи ўринбосари

Qishloq Qurilish Bank



Фаровон ҳаётингиз хизматида!

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши партиянинг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Маҳмуд Бобоёровга акаси

Комил БОБОЁРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислон ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Зухра БОТИРОВА

Мамазонр ХЎЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖЎРАЕВ
Мухаммад АЛИ
Тадлят МУРОДОВ
Тошпўлат МАГИБАЕВ
Алишер МЎМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс;
Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қаҳрамон Қўлдошев
Навбатчи — Фуломжон Хидиров

«Адолат»дан қўчириб босиб таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

«Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан

2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1200. Адади — 7994 Босишга тошпириш вақти — 21.10 Босишга тошпириши — 23.00

Баҳоси келишган нарха

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217

772031521001

1 2 3 4 5 6



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши